

№ 29 - сонли шартномаси

Фориш тумани 27.06.2022 йил

Лот №108429

« 29 » Июн 2022 йил

Фориш туман Халқ таълими бўлими (кейинги уринларда "Буюртмачи" деб юритилади) номидан Устав асосида фаолият юритувчи раҳбари С.С.Воққосов ва "GSS SILVER CAPITAL" MChJ (кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритилади) номидан Устав асосида фаолият юритувчи корхона раҳбари Б.Ўктамов мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар,

1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи ўз зиммасига Буюртмачиинг топшириғига кўра мазкур шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини Буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги ўринларда "Ишлар" деб аталадиган қуйидаги ишларни бажариш мажбуриятларини олади:

Фориш туман Халқ таълими бўлимига қарашли 59-сон ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби биносини Face ID дастурий таъминот ускуналари билан таъминлаш ва ўрнатиш ишларини бажаради.

Кўрсатилган ишларни бажариш учун Пудратчига зарур лойиҳа-смета ҳужжатлари, техник шартлар тақдим этиш мажбуриятини олади.

1.3. Пудратчи ишларни ўзининг материалларидан, ўзининг асбоб-ускунасида ва ўзининг инструментлари билан бажаради.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи томонидан дастлабки 30% аванс маблағи ажратилган кундан бошлаб 15 кун ичида амалга оширади.

1.4.1. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб ҳисобланади.

2. Мажбуриятларнинг бажарилиш муддати

2.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома умумий қийматининг 30%и миқдорида бунақ тўловларини амалга оширади. Ишларни қабул қилишда аниқланган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш ишлари тўлиқ ҳажмда бажарилгандан сўнг 70% Буюртмачига бажарган ишлари учун охириги, узил-кесил, ҳисоб-китобни амалга оширади.

2.2. Мазкур шартнома Ғазначилик органларида рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

3. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Ишларни лозим бўлган сифатда бажариш.

3.1.2. Ишларни мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддатда бажариш.

3.1.3. Объектга лойиҳага биноан зарур бўлган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш, тахлаш ҳамда сақлашни амалга

ошириши;

3.1.4. Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан суппудрат шартномаларини тузгани тўғрисида Буюртмачига ахборот бериш ва у томонидан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

3.1.5. Ишларнинг натижасини буюртмачига топшириш.

3.1.6. Агар Пудратчи ишларни бажариш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишга йул қўйилган бўлса, Буюртмачининг талабига биноан аниқланган барча камчиликларни 10 кун ичида текинга бартараф этиш.

3.1.7. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлигини ва объектни кўриқлаш бўйича зарурий чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

3.1.8. Ишларни шахсан бажариш.

3.2. Пудратчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳақ тўлаш мажбурияти бажарилмаганда, Пудратчи ишларнинг натижасини ушлаб туриш ҳуқуқига эга.

3.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.3.1. Пудратчидан ишлар туганланганлиги ҳақида хабарнома олгандан кейин 5 кун ичида ёки мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддат тугаганда, ишларнинг натижасини кўриб чиқиш ва қабул қилиш, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четга чиқишлар ёки ишлардаги бошқа камчиликлар аниқланганда, булар ҳақида Пудратчига дархол хабар бериш.

3.3.2. Ишларнинг натижаларини қабул қилган пайтдан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳисоблашишлар тартиби бўйича ишлар учун ҳақ тўлаш.

3.4. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.4.1. Ҳар қандай вақтда Пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

3.4.2. Буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вақтда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг Буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги тўғрисидаги хабарнома олингунга қадар бажарилган ишлар қисмига мутоносиб қисмини Пудратчига тўлаш. Бунда Буюртмачи Пудратчига шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамда иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши ҳам шарт.

4. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоблашишлар тартиби

4.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 457731370 (тўрт юз эллик етти миллион етти юз ўттиз бир минг уч юз етмиш) сўмни ташкил қилади.

4.2. Буюртмачи томонидан Пудратчига шартнома баҳосини тўлаш бажарувчининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

5. Тарафларнинг жавобгарлиги

5.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун Буюртмачига шартнома суммасидан 20% миқдорида жарима ва ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 %и миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 %идан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

5.2. Бажарилган ишлар ҳаққини ўз вақтида тўламаганлик учун Буюртмачи Пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 %и миқдорида, аммо

- кечиктирилган тўлов суммасининг 50 %идан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди
- 5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.
- 5.4. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузилишини бартараф этишдан озод этмайди.

6. Коррупцияга қарши шартлашув (келишув)

6.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2021 йилдаги "Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6313-сон Фармонининг 3-қисм в) бандига мувофиқ: - ҳар бир томон, шу жумладан барча ходимлар, вакиллар, шунингдек улар томонидан жалб қилинган ёки улар номидан иш олиб борадиган бошқа шахслар, бошқа томонга, унинг ходимларига, вакилларига, потенциал ёки мавжуд миқозларга ва ҳар қандай тегишли Ҳамкорларига, шунингдек, бошқа томон томонидан жалб қилинган ёки унинг номидан иш юритадиган бошқа шахсларга ("Иштирокчи Томонлар") моддий номоддий рағбатлантириш, манфаат, тақдирлаш, таклифлар (шу жумладан, чекланмаган ҳолда, ҳар қандай тўлов шакли, совғалар ва бошқа мулкӣ имтиёзлар, мукофотлар ва манфаат (пул ёки ҳар қандай киймат кўринишида) бермасликни яъни, молиявий мукофот, мулк, мулк ҳуқуқини таклиф қилмасликни, бермасликни кафолатлайди ва шунга мажбур.

6.2. Шартноманинг тарафи ва у томонидан жалб қилинган шахслар (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахслар) томонидан коррупцияга қарши кўшимча шартларга риоя этилмаганда, иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли бўлади.

6.3. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги амалдаги қонуналарга риоя этилишини таъминлайди, яъни улар, уларнинг ходимлари, кафилиланган шахслар, бенифициялари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пудратчилари томонидан бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.

6.4. Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганида дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони (78 150 26 03) орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатини олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

6.5. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-хатар баратараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

6.6. Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилиш талаб қилган томонга етказилган зарарларни қоплаш қонунчиликда кўрсатилган тартибда амалга оширилади, ушбу бобнинг мажбуриятлари ни бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида қўрилган зарарлар қоплашни талаб қилишига ҳақли эмас.

7. Форс-мажор ҳолатлари

7.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича

жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнгин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир).

7.2. Бартараф қилиб бўлмайдиган қучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиқи бўлиб ҳисобланади.

7.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

8. Низоларни ҳал этиш тартиби

8.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва қелишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

8.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар қелишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда қўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалда оширилганидан сўнг уларни Жиззах вилоятидаги ҳудудий иқтисодий судларида кўриб чиқишга топширадилар.

9. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

9.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзоланиб, Ҳазначилик органларидан рўйхатдан ўтгандан сўнг қучга эга бўлади.

9.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг қелишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган зарарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

9.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини суеҳкашлик билан тўхтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан қўпга ошиб кетганда;

- Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойиҳада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

9.4. Пудратчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Буюртмачи томонидан пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича қурилиш-монтаж ишларининг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда;

- Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўқотилганда.

9.5. Буюртмачи ва Пудратчининг биргаликдаги қарори бўйича шартнома бекор қилинганда, Буюртмачига тугатилмаган қурилиш топширилади, буюртмачи эса Пудратчига улар томонидан аниқланган, бажарилган ишларнинг ҳажми қийматини тўлайди.

9.6. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

10. Яқуний қоидалар

10.1. Мазкур шартномага киритилмайдиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланиб, Ҳазначилик органларида рўйхатдан ўтгандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.

10.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг қучга эга. тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

10.3. Шартномага илова Гувоҳнома

10. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

"Пудратчи"

"GSS SILVER CAPITAL" MChJ

(Пудратчи ташкилот номи)

Манзил: Ш.Рашидов тумани
Жиззахлик МФЙ

Х/Р 20208000505384336001

Банк: АТ "Халқ банки" Жиззах ш.

ИНН: 308456004

МФО: 00676

"Буюртмачи"

Фориш тумани Халқ таълими бўлими

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Фориш туман Боғдон шаҳарчаси

ш/х 401722860082357092100075010

Банк: Тошкент ш. Марказий банк

МФО: 00014 СТИР: 207 117 032

ОКОНХ: 97600

Ҳазначилик бўлинмаси номи

Ўзбекистон Республикаси

Молия вазирлиги

Ягона Ҳазна ҳисоб варағи


Ҳазна х/в:

23402000300100001010

МФО: 00014

Ҳазначилик бўлинмаси

СТИР: 201 122 919

Қорхона раҳбари:  Б.Ўқтамов



Бўлим мудири: _____ С.Воккосов

М.Ў



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY**

X U L O S A

1. Loyihaning turi

Shartnomasi

2. Loyihaning nomi

Forish tuman xalq ta'limi bo'limiga qarashli 59-son ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim maktabi binosini **Face ID** dasturiy ta'minot uskunalari bilan ta'minlash va o'rnatish ishlarini bajarish to'g'risidagi shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Shartnoma loyihasi Forish tuman xalq ta'limi bo'limi tomonidan 2022-yil 29-iyun kunda ishlab chiqilgan va tizimga kiritilgan.

4. Mas'ul ijrochi

Forish tuman xalq ta'limi bo'limi mas'ul xodimi O.Nurqulov.

Forish tuman yuridik xizmat ko'rsatish markaziga tizim orqali Forish tuman xalq ta'limi bo'limining "GSS SILVER CAPITAL" MChJ va xalq ta'limi bo'limi o'rtasidagi xizmat ko'rsatish bo'yicha shartnomasi huquqiy ekspertizadan o'tkazish va xulosa berishlik uchun kelib tushgan.

Shartnoma loyihasida "GSS SILVER CAPITAL" MChJ tomonidan Forish tuman xalq ta'limi bo'limiga qarashli 59-son ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim maktabi binosini **Face ID** dasturiy ta'minot uskunalari bilan ta'minlash va o'rnatish ishlarini bajarish bo'yicha 27.06.2022 yilda o'tkazilgan elektron tanlov bo'yicha xarid komissiyasining lot raqami 108429-son bo'lgan bayonnomasi orqali tanlov g'olibi bo'lganligi uchun ishlarni muddatida va sifatli bajarish xizmatlarini ko'rsatashi belgilangan.

Forish tuman xalq ta'limi bo'limi tomonidan Jizzax viloyat Forish tuman xalq ta'limi bo'limiga qarashli 59-son ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim maktabi binosiga kuzatuv kameralari olib kelib o'rnatish ishlarini bajarish yuzasidan 480 245 367 so'mga tanlov e'lon qilingan. (lot raqami: 108429).

Forish tuman xalq ta'limi bo'limi xarid komissiyasining 2022-yil 27-iyundagi bayonnomasiga asosan e'lon qilingan tanlovda "GSS SILVER

CAPITAL" MChJning 457731370 (to'rt yuz ellik etti million etti yuz o'ttiz bir ming uch yuz etmish) so'mlik taklifi tanlov g'olibi deb topilgan.

O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonuni 10-moddasiga asosan xo'jalik shartnomasi shartnoma predmetini, yetkazib beriladigan tovarning (ishning, xizmatning) miqdori, sifati, assortimenti va bahosini, shartnomaning bajarilish muddatlarini, hisob-kitob qilish tartibini, taraflarning majburiyatlarini, shartnoma majburiyatlari bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda taraflarning javobgarligini, nizolarni hal etish tartibini hamda taraflarning rekvizitlarini, shartnoma tuzilgan sana va joyni, shuningdek bunday turdagi shartnomalar uchun qonunchilikda belgilangan yoki taraflardan birining arizasiga ko'ra o'zaro kelishuvga erishish lozim bo'lgan boshqa muhim shartlarni nazarda tutishi kerak.

O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 31-moddasiga asosan pudrat shartnomasi bo'yicha bir taraf (pudratchi) ikkinchi taraf (buyurtmachi)ning topshirig'iga binoan ma'lum bir ishni bajarish va uning natijasini buyurtmachiga belgilangan muddatda topshirish majburiyatini oladi, buyurtmachi esa ish natijasini qabul qilib olish va buning uchun haq to'lash majburiyatini oladi. Agar qonunchilikda yoxud taraflar kelishuvida boshqacha tartib nazarda tutilgan bo'lmasa, ishni bajarish uchun pudratchi tavakkal qiladi.

Pudrat shartnomasining ayrim turlari (maishiy pudrat, qurilish pudrati, loyihalash yoki qidiruv ishlari pudrati, ilmiy-tadqiqot, tajriba-konstruktorlik va texnologiya ishlari pudrati)ga, agar ushbu kodeksning bunday turdagi shartnomalar to'g'risidagi qoidalarida boshqacha tartib belgilangan bo'lmasa, ushbu qoidalar qo'llanadi.

Shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonuni hamda amaldagi fuqarolik qonunchiligiga muvofiq tuzilgan.

Shartnoma loyihasiga yuridik shaxsning davlat ro'yxatidan o'tkazish haqidagi guvoxnoma, "GSS SILVER CAPITAL" MChJning Ustavi hamda Forish tuman xalq ta'limi bo'limi elektron xarid komissiyasining 2022-yil 27-iyundagi bayonnomasi hamda boshqa zaruriy hujjatlar ilova qilingan.

Shartnoma loyihasini huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra:

X U L O S A:

Forish tuman xalq ta'limi bo'limi tomonidan taqdim etilgan "GSS SILVER CAPITAL" MChJ va tuman xalq ta'limi bo'limi o'rtasidagi tuman xalq ta'limi bo'limiga qarashli 59-son ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim maktabi binosini **Face ID** dasturiy ta'minot uskunalari bilan ta'minlash va o'rnatish ishlarini bajarish

bo'yicha 27.06.2022 yilda o'tkazilgan elektron tanlov bo'yicha xarid komissiyasining lot raqami 108429-son bo'lgan bayonnomasi (lot raqami: 108429) orqali "GSS SILVER CAPITAL" MChJning 457731370 (to'rt yuz ellik etti million etti yuz o'ttiz bir ming uch yuz etmish) so'mlik taklifi tanlov g'olibi deb topilgan va tanlov g'olibi bo'lganligi uchun ishlarni muddatida va sifatli bajarish xizmatlarini ko'rsatishi bo'yicha shartnomasi loyihasi amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq tuzilgan.

**Yuridik xizmat ko'rsatish markazi
bosh yuristkonsulti**



U. Maxammatov

2022-yil 01-iyul



59 мактаб биносига Face Id дастурий таъминотини яратиш ишлари учун бюджет маблағлари ҳисобидан товар(ишлар, хизматлар)ларни харид қилиш бўйича танлов ўтказиш комиссиясининг.

МАЖЛИС БАЁННОМАСИ № 1

2021 йил 29 Июн

Фориш туман.

Халқ таълими бўлими

(Бюджет ташкилоти номи, раҳбари)

2021 йил «26» апрелдаги №85-б-сонли бўйруғи билан тасдиқланган танлов комиссияси аъзолари қуйидаги таркибда
Қатнашдилар:

Фориш туман Халқ таълими бўлими баҳолаш танлов комиссиясининг раиси С.Воккосов

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

Ш.Синдаров	-Халқ таълими қасаба уюшмаси бошланғич ташкилот раиси
Л.Исламов	-Бош ҳисобчи
О.Нуркулов	-Давлат харидлари бўйича гуруҳ раҳбари
З.Атабеков	- Бош иқтисодчи
Ш.Турсунбаев	-АКТни жорий этиш шўбаси мутахассиси


Қўл тартиби:

59 мактаб биносига Face Id дастурий таъминотини яратиш ускуналари сотиб олиш бўйича даъвогар ташкилотлар ўртасида ўтказилган электрон танлов якуни бўйича.

2022 йил 27 июн кунги лот №108429 электрон танлов натижаси бўйича энг паст нарх кўрсаткичи билан GSS SILVER CAPITAL MCHJ ғолиб деб топилган ва 2022 йил 27 июн санасидан электрон протокол расмийлаштирилган бўлиб шу кунга қадар танлов талабгор иштирокчилари томонидан этирозлар келиб тушмаган.

Қарор қилади:

1. Фориш туман Халқ таълими бўлими томонидан GSS SILVER CAPITAL MCHJ 59 мактаб биносига Face Id дастурий таъминотини яратиш бажариш бўйича тақдим этилган таклифи энг маъқул ва мақсадга мувофиқ деб топилсин ва бу талабгор танлов мутлоқ ғолиби деб топилсин.

Ш.Синдаров
(И.Ф.О.)  (Имзо)

Л.Исламов
(И.Ф.О.)  (Имзо)

О.Нуркулов
(И.Ф.О.)  (Имзо)

З.Атабеков
(И.Ф.О.)  (Имзо)

Ш.Турсунбаев
(И.Ф.О.)  (Имзо)



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"GSS SILVER CAPITAL" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"GSS SILVER CAPITAL" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

03.05.2021

985437

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

308456004

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Jizzax viloyati, Jizzax shahri, Джизакская область, Джизак г., ул.
Лойихадаги, дом 27,

Guvohnoma:

Jizzax viloyati, Jizzax shahri, DAVLAT XIZMATLARI
MARKAZI

tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



59 ИДУМда FACE Id дастури учун жамланма ускуналари
Спецификацияси

457 731 395 сўм

1	СТОИМОСТЬ СТРОИТЕЛЬНЫХ МАТЕРИАЛОВ	17 052 000 сўм
2	ОБОРУДОВАНИЕ	344 791 000 сўм
3	ПРОЧИЕ ЗАТРАТЫ К=10%	36 184 300 сўм
4	С НДС К=15%	59 704 095 сўм

№	НАИМЕНОВАНИЕ РЕСУРСА	ЕД.ИЗМ	КОЛ-ВО	ЦЕНА	СУММА
СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАТЕРИАЛЫ И КОНСТРУКЦИИ					
1	КАБЕЛЬ НДМ ДЛ 10М	ШТ	1	75 000,00	75 000
2	МОНТАЖНАЯ КОРОБКА РАЗМ. 100X100ММ	ШТ	8	25 000,00	200 000
3	ПЛАТЧ-КОРД RJ45 UTP CAT.5E ДЛ 3М	ШТ	0	20 000,00	0
4	ТРУБЫ ГОФРИРОВАННЫЕ ПВХ Д.20ММ	М	0	1 700,00	0
5	КЛИПСА ДЛЯ ГОФРОТРУБЫ Д-20ММ	ШТ	0	2 000,00	0
6	СТИКЕР ДЛЯ МАРКИРОВКИ КАБЕЛЯ	ШТ	0	500,00	0
7	КАБЕЛЬ СЕТЕВОЙ UTP СЕЧ.4X2X0,52ММ2 CAT.5E	М	3000	4 500,00	13 500 000
8	МЕТИЗЫ	КГ	0	20 000,00	0
9	ИЗОЛЕНТА	ШТ	25	6 000,00	150 000
10	СЕТЕВОЙ ФИЛЬТР ПИЛОТ	ШТ	1	65 000,00	65 000
11	КАБЕЛЬ Провод ПУНКТ - 0,75	М	0	11 800,00	0
12	ПРОВОЛОКА СТАЛЬНАЯ НИЗКОУПРУГОДЕЙСТВИТЕЛЬНАЯ РАЗНОГО НАЗНАЧЕНИЯ ОЦИНКОВАННАЯ ДИАМЕТРОМ 3,0 ММ			3 100 000,00	0
13	ШУРУПЫ С ПОЛУКРУГЛОЙ ГОЛОВКОЙ 4X40 ММ	Т		14 500 000,00	0
14	УЛИЧНЫЙ ШКАФ ГЕРМЕТИЧНЫЙ	ШТ	18	95 000,00	1 710 000
15	ВТУЛКИ ИЗОЛИРУЮЩИЕ	ШТ	20	100,00	2 000
16	ЗАГЛУШКИ	ШТ	10	15 000,00	150 000
17	ЗАГЛУШКИ	ШТ	3	100 000,00	300 000
18	КРОНИШТЕЙН	ШТ	0,0	4 815,00	0
19	ХОМУТИК	ШТ	20	45 000,00	900 000
20	РОЗЕТКА НАРУЖНАЯ С КРЫШКОЙ	ШТ	20	45 000,00	900 000
	ИТОГО		СУМ		17 052 000
ОБОРУДОВАНИЕ					
1	IP УЛИЧНЫЕ ВИДЕОКАМЕРЫ 4 МР	ШТ	36	741 000	26 676 000
2	IP ВНУТРЕННИЕ ВИДЕОКАМЕРЫ 4 МР AUDIO	ШТ	45	660 000	29 700 000
3	ВИДЕОРЕГИСТРАТОР 32 канал NVR	ШТ	3	8 550 000	25 650 000
4	SMART КОММУТАТОР 8 ПОРТА RJ45 1 Г БИТ/С	ШТ	4	604 800	2 419 200
5	КОММУТАТОР 8 ПОРТА (РОЕ) RJ45-РОЕ 1 Г БИТ/С	ШТ	18	745 000	13 428 000
6	ТУРНИКЕТ Моторизованный Турникет * Портал * проход двунаправленный	ШТ	2	52 000 000	104 000 000
7	ТЕРМИНАЛ ДОСТУПА С ФУНКЦИЕЙ РАСПОЗНАВАНИЯ ЛИЦ	ШТ	4	9 660 000	38 640 000
8	ШКАФ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИОННЫЙ МОНТАЖНЫЙ ВЫСОТОЙ 22U	ШТ	1	9 780 500	9 780 500
9	ШКАФ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИОННЫЙ МОНТАЖНЫЙ ВЫСОТОЙ 22U	ШТ	4	5 250 500	21 002 000
10	IP CAMERA IP DOME DS-2DE4425IW-DE	ШТ	1	17 043 300	17 043 300
11	СЕРВЕР ДЛЯ БАЗА ДАННЫХ Процессор	ШТ	1	28 000 000	28 000 000
12	ИНТЕРАКТИВНАЯ ПАНЕЛЬ 4K OLED PANEL SCREEN 75	ШТ	3	2 800 000	8 400 000
13	МОНИТОР 43"(LED)	ШТ	6	3 192 000	19 152 000
14	ЖЕСТКИЙ ДИСК 10TB	ШТ	6	3 192 000	19 152 000
15	ЖЕСТКИЙ ДИСК 10TB	ШТ	6	3 192 000	19 152 000
16	КОННЕКТОР UTP СЕЧ.4X2X0,52 CAT.5E	ШТ	300	3 000	900 000
	ИТОГО		СУМ		344 791 000
ВСЕГО ОБОРУДОВАНИЯ				СУМ	344 791 000
ВСЕГО БЕЗ НДС				СУМ	361 843 000

"GSS SILVER CAPITAL" МЧЖ рахбари;



Б. Устамоов